

# **Даврий матбуотда тарғиботнинг тасвирий шакллари**

## **Иллюстративные формы пропаганды в периодической печати**

### **Illustrative forms of propaganda in the press**

**Эшбекова Д. Т.,  
JDPI**

**Калит сўзлар:** даврий матбуот, тарғибот, ахборот, тасвирий воситалар, таснифлаш, расм, фотосурат, фотомонтаж, шартли тасвирлар.

**Ключевые слова:** периодическая печать, пропаганда, информация, иллюстративные средства, классификация, изображения, фотография, фотомонтаж, условные иллюстрации.

**Keywords:** periodicals, propaganda, information, illustrative means, classification, images, photography, photomontage, conditional illustrations.

**Резюме:** Мақолада газета ва журналларнинг анатомик элементлари таснифи, улар орасида тасвирий воситаларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, даврий матбуотдаги тасвирий воситаларнинг турлари таҳлил қилинади.

**Резюме:** в статье рассматривается классификация анатомических элементов газет и журналов, в том числе роль наглядных пособий. Он также анализирует типы визуальных средств в периодической печати.

**Summary:** The article discusses the classification of the anatomical elements of newspapers and magazines, including the role of visual aids. He also analyzes the types of visual aids in periodicals.

1925-1941 йилларда Ўзбекистон даврий матбуотида тарғиботнинг тасвирий воситаларини ўрганиш, тадқиқ этиш учун аввало унинг матбуотнинг таркибий элементлари тизимидағи ўрнини аниқ тасаввур этиш лозим. Шунингдек, тасвирий воситаларнинг инсон онги ва дунёқарашига таъсир этишдаги ролини ўрганиш талаб этилади. Гап даврий матбуотдаги тасвирий воситалар ҳақида кетар экан, у газета ва журналларнинг ички тизимидан муайян ўрин эгаллаб, матбуотнинг ўз функцияларини бажаришида иштирок этиши назарда тутилади. Матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларидан бири, реал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Бу таъриф асосида матбуотнинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Бу қисмларни шартли равишда тасвир, таҳлил ва таъсир деб олиш

мумкин<sup>1</sup>. 1925-1941 йилларда Ўзбекистонда синфий-партиявий жиҳатдан чекланган, якка хукмрон ғояга бўйсундирилган шароитда даврий матбуотнинг функциялари, жумладан, тарғибот фаолияти ҳам бутун воситалари билан бирга ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эга бўлди. Аммо бу даврий матбуотнинг таркибий элементлари орасидан тасвирий воситаларни ажратиб олиш ва тадқиқ этишда фанда ҳозирда таклиф этилган таснифлардан фойдаланиш мумкинлигини истисно этмайди.

Даврий матбуот манба сифатида жамият ҳаётининг барча соҳалари ва инсон ҳаётининг турли томонлари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлайди. Даврий нашрлар келиб чиқишига кўра хилма хил бўлган материалларни ўзида ифода этади. Бу биринчи навбатда эълон қилинган журналистик ишлар: мақола, солнома, қайдлар, очерк, репортаж, фельетон, интервью ва бошқалардир. Бундан ташқари, даврий матбуотда қонун лойиҳалари матнлари ва қабул қилинган қонун актлари, статистик материаллар, мемуарлар, бадиий асарлар каби ёзма манбаларнинг хилма хил турлари, фотография, карикатура, расм сингари **тасвирий манбалар** эълон қилинади<sup>2</sup>. Аммо биз танлаган тадқиқот мавзуси тарих, журналистика ва тасвирий санъат фанлари кесимида турганлиги боис, даврий матбуотда тарғиботнинг тасвирий воситаларини ўрганиш, тадқиқ этиш учун унинг журналистика фани доирасидаги таснифига мурожаат қиласиз.

Даврий матбуот тарихий жиҳатдан китоб матбуотидан келиб чиққанлиги туфайли ахборотни узатишнинг асосий усуслари, визуал мазмуннинг асосий шакллари уларда умумий. Газеталар, журналлар китоблар сингари визуал ахборотнинг икки асосий турини ўзида мужассам этади: белгили, бавосита – (шрифт) ва бевосита қабул қилинадиган – тасвирий (суратлар). Ўзининг хусусиятлари, кўргазмалилиги билан суратлар ўқувчига таъсир этишда алоҳида кучга эга. Кўпинча ёрқин фотосурат матннинг бир неча саҳифасидан

<sup>1</sup> Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент. “Тафаккур”, 2011. 31-бет.

<sup>2</sup> Русина Ю.А. Источниковедение новейшей истории России. Учеб.пособие. Екатеринбург. Изд-во Уральского унив. 2015. С. 158-159.

кўра кўпроқ нарса беришга қодир. Даврий нашрларнинг ўзига хосликлари уларнинг шаклига, шу жумладан, суратларнинг хусусиятларига таъсир кўрсатади. Китобдан кўпроқ газета фарқ қиласди, журнал эса оралиқ позиция эгаллаган. Даврий матбуотдаги суратларнинг китоблардагидан асосий принципиал фарқи уларнинг матн билан ўзаро муносабатидадир. Китобда суратларга қўйиладиган асосий талаб уларнинг матнга мувофиқлиги, даврий матбуотдаги суратлар эса матндан анчагина мустақил бўлади<sup>3</sup>. Журнал ва газеталарнинг элементлари алоҳида тасниф этилган журналистикага оид тадқиқот ишлари мавжуд. Аммо қуйида келтирилдиган таснифлар даврий матбуотнинг ҳар иккала тури учун бирдек тааллуқли бўлганлиги боис биз журнал ҳамда газета сўзлари ўрнида даврий матбуотнинг бу иккала турини бирдек тушунишимиз мумкин.

Даврий матбуотнинг коммуникацион (алоқа, фикр алмашинув) функцияси ахборотни кодлаштиришнинг муайян усуллари, шунингдек, ахборотнинг маҳсус ташувчиларини қўллаш орқали амалга оширилади. Код ўзида муайян қонуниятларга мувофиқ тартибланган хабар элементларининг мажмuinи ифода этади. Бунда юборувчи хабарни кодлаштиради, қабул қилувчи унинг кодини очади, расшифровка қиласди. Тақдим этилаётган ахборотнинг кодлаштирилган типи муаллифлар ва ўқувчилар ўртасидаги коммуникацияни таъминловчи асосий омил бўлади<sup>4</sup>.

Журнал шакллари анатомиясини комплекс тадқиқ этиш доирасида элементларни таснифлашнинг бир неча тамойили мавжуд. Улар орасида журнал элементларининг ахборотни кодлаштириш типига боғлиқ ҳолда гурухларга бўлиниши тамойили биз тадқиқ этаётган Ўзбекистон даврий матбуотидаги тарғиботнинг тасвирий воситаларини, яъни, газета ва журналлар элементларининг визуал-образли типини яққол ажратиб олиш ва тадқиқ этиш имконини беради. Бунда кодлаштириш типи тушунчаси остида

<sup>3</sup> Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газете”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 87.

<sup>4</sup> Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. на соис. уч.степ.к.искусствоведения. Москва. 2007. С. 17.

муайян қонуниятларга мувофиқ ҳолда тартибланган хабар элементлари мажмуюи тушунилади.

Бу тамойилга мувофиқ журналда ахборотни кодлаштиришнинг асосий типлари ва уларга тегишли ахборотга оид фаол элементлар (ахборот-мундарижали вазифа бажарувчи) гурухлари ажратилган.

1. Ахборотни кодлаштиришнинг вербал (оғзаки) типини қўлловчи элементлар: журналнинг ҳам қўлёзма, ҳам босма матнли қисмларида қўлланиладиган ҳарфлар, сўзлар.
2. Ахборотни кодлаштиришнинг визуал-образли (кўз билан кўриладиган-тимсолли) типини қўлловчи элементлар, яъни, суратларда жамланган образларни қўллаш билан кодлаштириш (уларнинг сюжети ва бажарилиш техникасидан қатъий назар).
3. Ахборотни пиктограмманинг таниб олиш мумкин бўлган рамзлари ва ҳарф бўлмаган белгилари ёрдами билан кодловчи элементлар, шартли тасвиirlар, хариталар, диаграммалар ва графикалар.

Элементларни таснифлашнинг бундай тизими коммуникация воситаси сифатида журнал элементларининг хос хусусиятларини аниқ белгилаш имконини беради. Аммо, асосий ахборот вазифасини бажарувчи элементлар қаторида журналда ўз ҳолича ҳеч қандай мазмун касб этмайдиган оралиқ бўш жой элементлари, чизик йўллар, нақшлар ва бошқалар иштирок этади<sup>5</sup>. Журналга оид юқорида келтирилган таснифни газетага ҳам татбиқан қўллаш мумкин.

Даврий матбуотда тасвиirlар бажариш техникасига (тасвир характерига), қайта ишлаб чиқариш техникасига, суратларнинг ўзаро алоқаларига кўра ҳам таснифланади. Суратларнинг ўзаро алоқаларига кўра: мустақил (ёлғиз, айрим); бир типдаги (конференция иштирокчилари портретлари); ўзаро

---

<sup>5</sup> Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. к.искусствоведения. Москва. 2007. С. 18.

алоқадор (воқеий, тузилишга оид); изчил ҳикоя ҳосил қилувчи (комикслар) ажратилади<sup>6</sup>.

Суратлар нашрда улар ўйнайдиган у ёки бу ролга кўра ҳам фарқланади. Кам бўлмаган ҳолларда суратлар матнга нисбатан асосий, бошқа ҳолда ахборотнинг ягона ифодаловчиси бўлади. Даврий матбуотдаги суратлар турли ролларда намоён бўлади, ё матнни сурат билан безайди, уни маълум даражада тўлдиради ёки мустақил бўлади. Бундай расм даврий матбуот материалининг алохида турини ифода этади, кўриш образлари воситасида мустақил ҳикояга айланиб, ўзининг аҳамияти ва ахборот бериши бўйича матн билан бир қаторда туради<sup>7</sup>.

Даврий матбуотнинг суратли элементларига фотографиялар, коллажлар, рассомлик ишлари, расмлар, офортлар (кислота билан ўйиб ишланган нақш ва ундан босилган сурат), литографиялар (тошбосма усулида босилган расм, сурат ва х.к.), векторли графика (миқдор ва йўналишга эга бўлган катталик; шундай катталикни кўрсатувчи кесма) ва уч ўлчамли моделлаштириш каби турли тасвир типлари тегишли<sup>8</sup>.

Даврий матбуотдаги тасвирларнинг асосий турлари таснифини кўриб чиқиш уларнинг вазифалари ва роли, газета ва журналларнинг ҳар хил типларида қўлланилишини ойдинлаштириш имконини беради. Бу масалага бағищланган тадқиқотларда барча типдаги суратлар тасвир характерига кўра уч асосий гурухга бўлинган: фотографик, график, “аралаш” турдаги (фотомонтаж).

Газеталарда барча тасвирий материаллар орасида фотографиялар кўпчиликни ташкил этади. Фотонинг газетада қўлланилишининг афзаллиги унинг кўргазмалилигидадир. Фото хужжатли далил бўлиб, ўкувчини

<sup>6</sup> Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газеты”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 88.

<sup>7</sup> Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. на соис. уч.степ.к.искусствоведения. Москва. 2007. С. 19.; Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газеты”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 87.

<sup>8</sup> Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. на соис. уч.степ.к.искусствоведения. Москва. 2007. С. 18.

воқеаларга яқинлаштиради, уларнинг шоҳидига айлантиради, воқеълик ҳақида тасаввур беради.

1. Фотографик тасвирлар гуруҳига репортаж фотосуратлари, фотопортретлар, фотоочерклар ва бошқалар киради. Фоторепортаж қоида тариқасида ўзида бир мавзуга бағишлиган фотолар сериясини (мажмуини) ифода этувчи суратли мустақил ахборотдир. У мавзуни очишнинг ва қандайдир бир факт ёки воқеани турли томонлардан ёритишнинг кенг имкониятларини беради. Аммо газеталарда (айниқса совет даври) мунтазам такрорланувчи фотолар ҳамроҳлигига матнли материалларни эълон қилиш усули қўлланди. Бундай фотосурат рукнга боғланган бўлиб, моҳиятан ўзида лавҳа(безак)-рамзни ифодалаган. У таниш ва эслаб қолишга, материални узатишнинг бу шаклини қабул қилишнинг йўналишини ишлаб чиқишига ва мазмуннинг хусусиятини бир онда ҳисоблаб ўқишига мўлжалланган. Суратларнинг бундай типи рамзий-пиктографик функция бажаради. Бундай фототасвирларнинг функционал вазифаси ўқувчига йўналтирувчи ахборот беришдир<sup>9</sup>.

Фотожурналистика ҳақидаги адабиётларга таянган ҳолда даврий матбуотдаги суратларнинг фотографик турига яна фотоловҳа, фотофельетон, пейзаж, натюрморт, салбий ҳолатларни акс эттирувчи фотоасар бўлган фотоайбнома, фотомонтаж<sup>10</sup>, фотошарҳ<sup>11</sup> кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Хаётни ёритишида фототехника воситаларидан фойдаланувчи фотожурналистика ўз жанрлари билан даврий матбуот типологиясининг барча тур газета ва журналлари майдонига кириб борди ва кенг оммалашди. Фотожурналистика жанрлари ўз мазмун-моҳияти ва олдига қўйилган мақсади билан даврий матбуотдаги фотографик суратларнинг турларига асос бўлади.

Улар ҳақида қўйида тўлиқроқ тўхталиб ўтамиш.

<sup>9</sup> Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газеты”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 87.

<sup>10</sup> Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н., Муратова Н. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2008; Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2017.

<sup>11</sup> Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент. “Тафаккур”, 2011. 223-бет.

2. График тасвиirlар гурухига турли расмлар, карикатуralар, комикслар (умумий мазмун билан боғланган, ҳар бирига қисқа-қисқа матн берилган расмлар серияси), диаграммалар, хариталар, чизмалар, тарҳлар ва бошқалар киритилган<sup>12</sup>. Харита, диаграмма, графика ва бошқа шу каби воситаларда тасвир элементлари фаол бўлса-да, улар ахборотни тўғридан тўғри визуал-образли тарзда эмас, балки шартли белгилар воситасида узатадилар. Улар ўқиш жараёнини тезлаштириш, шунингдек, ахборотга катта тасвирийлик ва дискретлик (умумийни узлукли, алоҳида сифат белгили бўлаклардан иборат қисмларда ўқиш) хусусиятини бериш имкониятига эга<sup>13</sup>. Аммо, диаграммалар, хариталар, чизмалар, тарҳлар ва бошқа шартли тасвирий воситалар ўзида ахборотни бевосита визуал-образли тарзда ифодаламаганлиги, улар воситасида узатиладиган ахборотларнинг хусусиятлари, ахборотни узатиш усуллари, уларнинг ўкувчига таъсир имкониятлари ўзига хослиги, шу жиҳатларга кўра улар газета ва журналларнинг матн ва сурат шаклидаги элементлари ўртасидаги позицияни эгаллаши, ўзида ҳам матн, ҳам тасвирийлик белгиларини жамлаб, идрок этишдаги ўзига хослиги билан даврий матбуот тарғибот воситалари орасида алоҳида ўрин ва ролга эга.

Газеталардаги график тасвиirlарнинг оммавий турларидан бири бўлган карикатуralар – ахборот узатишнинг оддий ва равshan шаклида ҳаммага тушунарли бўлган ҳажв воситасидир. Даврий матбуот тасвирий санъатнинг жанговор, ҳозиржавоб тармоғи бўлмиш ҳажвий суратчилик - карикатурадан кенг фойдаланади. Асосий хусусияти бирор шахс, воқеа ёки ҳодисага тегишли салбий томонларини масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлган карикатура ҳажвий матбуотдан жой олиб, уни тўлдиради ҳамда ҳажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмiga

<sup>12</sup> Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газете”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 88.

<sup>13</sup> Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. на соис. уч.степ.к.искусствоведения. Москва. 2007. С. 19.

айланади. Карикатура ўз навбатида ҳажсий *портрет*, ҳажсий манзара, *шарж* - ҳазил (ҳазил сурат) ва бошқа ички жанрларга бўлинади<sup>14</sup>.

Карикатурунинг мазмунига кўра турлари: *сиёсий карикатура* – жамият сиёсий ҳаётининг турли томонларини, халқаро муносабатлар, сиёсий вазият, сайловлар, сиёсий кураш ва б.; *масий турмушига оид карикатура* – ижтимоий муаммолар: маданий-маиший шароитлар, савдо, бола тарбияси, авлодлар ўртасидаги муносабат, фохишилик, наркомания, алкоголизм ва б.; *ҳажсий карикатура* – ўткир қарама-қаршилик мавжуд бўлмаган кулгили вазиятлар; *шарж* – муайян усуллар ёрдамида одам юзини тасвирилашдан иборат<sup>15</sup>.

3. Газеталарда бир неча турнинг қоришувидан ҳосил қилинган мураккаб тасвиirlар учрайди. Фотография ва графиканинг бундай боғлануви турли хилдаги монтажларга (монтаж - турли парчаларни уйғунликда тўплаб бир бутун асар ҳолига келтириш) хос. Ўзида бир неча фотосуратларнинг бирлашувини ифода этган фотомонтаж жуда содда бўлиши мумкин. Масалан, агар газетада ўлчамига кўра бир хил фотопортретларни жойлаштириш лозим бўлса, уларни фотолента кўринишида бирлаштиришган ва йиғиб монтаж қилишган. Бундай усул совет даврида жуда оммалашган. Фотомонтаж маҳорат билан бажарилган мураккаб кўринишида санъат асари бўла олади: у бадиий образ яратади, рамзий маънога эга бўлади ёки ҳажв ёхуд ташвиқот воситасига айланади, воқеалар моҳиятини, муҳим ижтимоий ҳодисалар мазмунини ойдинлаштиради. Монтажнинг бош мақсади битта воқеанинг турли томонларини бир жойга тўпланган кўринишида намойиш этишdir. Монтаж ҳаётда бирлаштириб бўлмайдиганларни боғлаб, янги тасвир ҳосил қилиши мумкин. Замонавий газеталарда суратлар келтиришнинг хусусиятларидан бири фотосуратларни оддийгина жойлаштиришдан то мураккаб фотомонтажларгача тасвиirlарни

<sup>14</sup> Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент. “Тафаккур”, 2011. 283-284 бетлар.

<sup>15</sup> Хамадах Мамдух. Карикатура в периодической печати. АР дисс. на соис. ученой степ. к.филолог.наук. Минск. 1994. 10-стр.

мужассамлантиришдир. Бу жанр куннинг долзарб масалаларини ўткир шаклда ифодалаш имконига эга бўлганлиги учун ҳамма вақт газетада ижтимоий ҳаётнинг бурилиш даврларида (1920-30 йилларда) кенг қўлланилган.

Газетадаги жанрларига кўра суратлар қуидагиларга бўлинади: репортажга оид; портретга оид; бадиий (манзара (пейзаж-1.манзара, 2.(бадиий асарда ёки расмда табиат манзараси тасвири)), жанрли, гравюра репродукциялари (2.босма йўл билан олинган сурат), картина ва бошқалар); плакат кўринишидаги; ҳажвий ва кулгили; техник (тарҳлар, хариталар, чизмалар, диаграммалар, техник расмлар); кўнгилочар (кроссвордлар, комикслар (умумий мазмун билан боғланган, ҳар бирiga қисқа-қисқа текст берилган расмлар серияси))<sup>16</sup>. Фотосуратларнинг алоҳида ўзини фотожурналистика жанрлари асосидаги турларини ажратиш мумкин. Бунинг учун фотожурналистика жанрлари билан танишиб чиқиш лозим.

Фотожурналистика — журналистиканинг ўзига хос тури бўлиб, воқеани баён этишнинг асосий воситаси сифатида фотосуратдан фойдаланади. Фотожурналистика фотографиянинг жанрлари - хужжатли фото, бадиий фотодан вақт тартиби, холислик, баён этиш хусусиятлари билан ажralиб туради<sup>17</sup>.

Фотожурналистиканинг ахборот ва бадиий-публицистик жанрлари мавжуд. Замонавий фотографиянинг ахборот жанрларига фотохабар, фоторепортаж, бадиий-публицистик жанрларига эса фотоловҳа, фотоочерк, фотофельетон, фотопортрет, пейзаж, натюрморт каби жанрлар киради.

Фотохабарларда ижтимоий ҳаётнинг ижобий ва салбий жиҳатлари акс эттирилиши мумкин. Салбий ҳолатларни акс эттирувчи фотоасарлар фотоайбномалар, деб ҳам аталади. Фотохабарларда бирор-бир воқеа-ходиса хусусида аниқ маълумот етказилади. Аммо, унинг замирида таҳлил деярли қўзга ташланмайди. Унинг шарҳланмаган, изоҳли ва кенгайтирилган турлари

<sup>16</sup> Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газете”. Дисс. на соис.уч.степ. к. искусствоведения. Москва. 2005. С. 88.

<sup>17</sup> Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўкув қўлланма. Тошкент. 2017. 6-бет.

учрайди<sup>18</sup>. Кенгайтирилган фотохабар фоторепортажга ўхшаш, чунки иккала жанрда ҳам бир неча тасвирлардан фойдаланилади. Фотохабар мазмунода биргина факт, фоторепортажда воқеа, фотоочеркда ҳодиса ётади<sup>19</sup>.

Фоторепортаж бир нечта фотоасарлардан иборат бўлиб, унда воқеа-ҳодисанинг турли жиҳатдан тасвирланиши назарда тутилади. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусияти унда кўп кадрли тасвирий қаторнинг мавжудлигидир. Фоторепортажнинг фотохабардан фарқли жиҳати шундаки, унда нафақат фабула (воқеалар занжири), сюжет (мавзу, мазмун, мундарижа) ҳам акс этади. Унинг икки тури мавжуд бўлиб, хроникал фоторепортаж ва изоҳловчи (интерпретириюши - шарҳловчи, тушунтирувчи) каби турларга бўлинади<sup>20</sup>.

Ҳаётни фотосуратлар билан акс эттирувчи фотожурналистика фотошарҳ, айрим суратли нашрларда тасвирий (график) шарҳлар жанри шаклида ҳам қўлланилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси шарҳ жанрининг кўпқирралигини, ҳаётни акс эттиришда турли воситалардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатиб турибди<sup>21</sup>.

Фельетон (фр. feuilleton, feuille — “варак”, “варака”) — қисқа сатирик хабар, очерк ёки мақоладир. Фотофельетон ҳам ўзида сатирага хос бўлган жиҳатларни мужассамлаштирган бўлиб, жамият ҳаётидаги иллатлар мазкур жанрдаги фотоасарларда акс этади.

Фотопортрет инсонни тасвирлашнинг бир шакли бўлиб, бунда шахснинг ташқи кўриниши, ҳис-туйғулари, жамиятда тутган ўрни ва бошқа хусусиятлар унда ёрқин намоён бўлади. Фотопортрет орқали инсон қалби ва табиати ҳамда характеристери очиб берилади.

Аксарият мутахассислар уни икки турга: якка ва гуруҳли портретга ажратишади. Айрим манбаларда портретларнинг қўйидаги кўринишлари

<sup>18</sup> Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўкув қўлланма. Тошкент. 2017. 56-57 бетлар.

<sup>19</sup> Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н., Муратова Н. Босма ОАВ таҳририяtlари учун ўкув қўлланма. Тошкент. 2008. 54-55 бетлар.

<sup>20</sup> Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўкув қўлланма. Тошкент. 2017. 57-бет.

<sup>21</sup> Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент. “Тафаккур”, 2011. 223-бет.

учрайди: классик фотопортрет; концептуал фотопортрет; имиджли фотопортрет; романтик фотопортрет; лорпоратив фотопортрет; “Fashion” фотопортрет; репортаж фотопортрет; кенг қўламли фотопортрет; жанрли фотопортрет. Фотопортретнинг қайси туридан фойдаланиш матбуот нашри типологиясига ҳам боғлиқ<sup>22</sup>.

Муҳитдаги портрет. Бу жанр бирор инсон, фотография субъектини ўз табиий муҳитида суратга туширишни кўзда тутади. Муҳит портрети инсоннинг юзи, унинг касби ёки айни дамда нима билан машғуллигини кўрсатиш учун ишлатилади. Шунинг учун ҳам бу жанрда фон субъект билан бир хилда аҳамиятли.

Фотопейзаж. Пейзаж - тасвирий санъат жанри бўлиб, французчадан таржима қилинганда Paysage, pays — “мамлакат”, “замин” деган маъноларни анлатади. Фотожурналистикада ҳам фотопейзаж жанри муҳим ўрин тутади. Унда гўзал табиат манзаралари, тоғлар, боғлар, дарёлар акс этади.

Натюроморт француз тилидан таржима қилинганда “ўлик табиат” деган маънони англатади. 15-16 асрларда бу жанр кўплаб рассомларни ўзига жалб этди. Натюроморт тасвирий санъатдан фотожурналистикага кириб келди. Натюроморт фотожурналистика жанри сифатида, объектдаги буюмларни янги ракурсларда кўриш имконини берди.

Фотоочерк - фотожурналистиканинг ўзига хос кўриниши бўлиб, реал ҳаётда содир бўлган воқеаларга асосланган ҳолда инсон қалби, руҳияти акс этган жанр деб баҳо бериш мумкин. Фотоочерк ҳужжатлиликка асосланиши, унда бирор-бир инсон фаолияти акс этиши, реал фактларга таянилиши, жой ва вақт аниқ кўрсатилиши жоиз. У аудиторияга воқеа-ҳодиса ва фактлар тўғрисида ишончли манба бўлиб хизмат қилмоғи зарур. Фотоочерк жанрида иш олиб бораётган фотограф далилларни хронологиясини бериш билан бирга инсон характерини кузатишлари асосида аудиторияга санъат асари кўринишида тақдим этади.

---

<sup>22</sup> Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2017. 58-59 бетлар.

Фотоочерк мавзу доираси хилма-хил бўлиб, унда жамоат арбоблари, илм-фан, технология, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, архитектура, меъморчилик, кино, театр, тасвирий санъат вакилларининг турли соҳаларда эришган ютуқлари мазкур жанрдаги фотоасарларда ёрқин акс этади. Жанр бир қанча фотоасарлардан иборат бўлиб, биринчи фотосуратда акс этган ҳолат, кейингисида такрорланмаслиги, улар бир-бирини тўлдириши жоиз<sup>23</sup>. Фотоочерк портрет, муаммоли ва йўл очеркларига бўлинади. Фотомонтаж ҳақиқатнинг бир неча парчаларидан иборат алоҳида тасвирдаги суратларни бир мавзу атрофида бирлаштирган ҳолда қўллашни билдиради<sup>24</sup>.

Журналистика фани доирасидаги тадқиқотларда даврий матбуот нашрлари – газета ва журналлардаги тасвирий воситалар таснифига ёндашувлар турлича. Газеталар таркибий элементлари таснифида тасвирий воситаларнинг бевосита визуал-образли тури ва шартли-белгили график воситалар бир тур доирасига киритилган. Газета ва журналлардаги тасвирий воситалар ахборотни кодлаштириш тилига кўра бу даврий нашрларнинг бошқа таркибий элементларидан, масалан, матн шаклидаги элементлардан ажралиб туради. Даврий матбуотдаги тасвирий воситалар ахборотни, ахборот-тўлдирувчини бевосита визуал-образли тасвирлар – суратлар билан узатади. Ўзида газета ва журналларнинг матн ва тасвир шаклига хос белгиларни мужассам этган шартли (тасвир) графика воситалари бу таснифда алоҳида тур сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Бу масалага бағишлиланган тадқиқотларда барча типдаги суратлар ўз ички таснифида тасвир характеристига кўра уч асосий гуруҳга бўлинган: фотографик, график, “аралаш” турдаги (фотомонтаж). Ўз навбатида бу гуруҳларда ҳам ички таснифланиш мавжуд. Масалан, карикатуралар ўз ички жанри ва мазмунига кўра алоҳида турларга эга. Фотожурналистика жанрлари билан боғлиқ ҳолда таснифланган фотографик суратларнинг ҳар бир тури ҳам ўз

<sup>23</sup> Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўкув қўлланма. Тошкент. 2017. 60-61 бетлар.

<sup>24</sup> Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н., Муратова Н. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўкув қўлланма. Тошкент. 2008. 55-бет.

навбатида ички турларга бўлиниб кетган. Бу фотопортретнинг юқорида келтирилган тур ва кўринишлари мисолида яққол сезилади. Фототехника ва фотожурналистикинг ривожланиши, ўзаро алоқаси билан бу тасниф тобора бойиб, чукурлашиб бориши тадқиқотларда таъкидланган. Журналистикинг ҳаётни ёритишида фототехника воситаларидан фойдаланиши натижасида вужудга келган фотожурналистика жанрлари ўз мазмун-моҳияти ва олдига кўйган мақсади билан даврий матбуотдаги фотографик тасвир воситаларининг турларига асос сифатида олиниши мумкин. Айни пайтда фотожурналистика тасвирий санъат жанрлари асос бўлган янги жанрлар билан бойиб бормоқда. Фотопейзаж, натюроморт жанрлар бунга мисол бўлади.

Газета ва журналлардаги тасвирий воситалар – суратлар ўз ички таснифида жанрларига, бажариш техникасига, қайта ишлаб чиқариш техникасига, суратларнинг ўзаро алоқаларига кўра ҳам таснифланади.

### **Адабиётлар**

1. Рожнова О.И. Генезис журнальной формы. Стилеобразующая роль структуры издания. Автореф. дисс. канд. искусствоведения. Москва. 2007. С. 17. С. 18. С. 19.;
2. Русина Ю.А. Источниковедение новейшей истории России. Учеб.пособие. Екатеринбург. Изд-во Уральского унив. 2015. С. 158-159.
3. Хамадах Мамдух. Карикатура в периодической печати. Автореф. дисс. канд. филолог. наук. Минск. 1994. 10-стр.
4. Хоменко Е.А. “Структурно-композиционные и визуально-образные средства графического дизайна в газеты”. Дисс. канд. искусствоведения. Москва. 2005. С. 87. С. 88.
5. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент. “Тафаккур”, 2011. 31-бет. 223-бет. 283-284 бетлар.
6. Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2017. 6-бет. 54-61 бетлар.
7. Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н., Муратова Н. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2008. 55-бет.